



MILLIY TIKLANISH

27 (511) ● 2018 йил 11 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

МАМЛАКАТИМИЗДА ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА ФЙДАЛАНИШ УЧУН АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 июль кун мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Дунёда газ, нефть, кўмир ва бошқа манбаларга бўлган талаб кун сайин ортмоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу ресурслар захирасининг кескин камайиб кетишига олиб келаётди. Шунинг учун бутун башариёт — эҳтиёж учун ишлатиладиган ресурсларнинг муқобилдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Шулардан бири тинчлик мақсадлари йўлида атом электр энергетикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда жаҳоннинг 30 дан зиёд мамлакатлари атом электр станцияларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтириш билан бирга, табиий ресурслар тежалишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Бу қувватнинг қарийб 85 фоизи газ ва кўмир ёқиш орқали, қолган 15 фоизи гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бунинг учун йилига 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодиёт ўсиши, аҳоли сони ва турмуш даражаси ошиши эвазига 2030 йилда электр энергиясига бўлган талаб 117 миллиард киловатт-соатга

етади. Бунинг учун янги қувватлар ташкил этиш керак бўлади.

— Агар ушбу қувватни таъминлаш учун табиий газ ва кўмрдан фойдаланишни давом эттираверсак, уларнинг мавжуд захираси маълум вақтдан кейин тугаб қолиши мумкин. Бу эса келажак авлод олдиди кечириб бўлмайдиган хато ва жиноят бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис мамлакатимизда тинч мақсадларда фойдаланиш учун экологик тоза ва узоқ мuddат тугамайдиган атом энергетикасини барпо этишга киришилди. Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом электр станциясини қуриш бўйича келишувга эришилди. Мазкур комплекс 2 энергоблокдан иборат, ҳар бирининг қуввати 1 минг 200 мегаватт бўлади. Уни 2028 йилгача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Атом электр станцияси барпо этилиши натижасида йилига 3,7 миллиард куб метр табиий газ тежалади. Бу манба қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли нефтькимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Агар тежалган газни қайта ишламасдан экспорт қилган тақдирда ҳам, Ўзбекистонга йилига 550-600 миллион доллар валюта тушади.

Атом энергияси экологик тоза, бундай станциялар зарарли ис газини ҳосил қилмайди. Натижада мамлакатимизда табиий газни ёқишдан ҳосил бўладиган ва атоф-муҳитга тарқаладиган ис гази ҳажми йилига 3 миллион тоннага камаёди.

Йиғилишда атом электр станциясини қуриш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий-техник ва амалий ишлар муҳокама қилинди.

Президентимиз шундай объектларни қуриш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси асосида иш тутиш, атом электр станциясини жойлаштириш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва геологик-қидирув ишларини сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда янги бўлган ушбу соҳага доир норматив-ҳуқуқий база яратиш, "Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ва тегишли қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг МАГАТЭ талаблари ва халқаро ҳужжатларга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

— Бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш, ҳужжатларни тайёрлаш, лойиҳалаштириш ишлари ва музокаралар олиб бориш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида янги ташкилот тузиш керак. Шу билан бирга, ушбу ташкилот ҳузурида атом электр станцияси қуриш дирекциясини ҳам тузиш зарур. Кейинчалик ушбу дирекция атом электр станциясининг оператори

бўлиб қолади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, атом электр станцияси қуриш ва ундан фойдаланишда энг замонавий ва мураккаб технологиялар қўлланилади. Бунинг учун эса чўқур билим ва юқори малакага эга бўлган мутахассислар керак. Шу боис Тошкентда физика соҳасида дунёда етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Москва муҳандислик-физика институти филиалини очиб мўлжалланмоқда.

Шунингдек, физика ва техника йўналишларидаги олий ўқув юртлирини битирган салоҳиятли кадрларни танлаб олиб, уларни Москва ва Минск шаҳарларига ўқишга ҳамда атом электр станцияларида тажриба орттиришга юбориш бўйича кўрсатма берилди.

— Ушбу лойиҳани амалга оширишда мутлақо бошқача тизим яратамиз, бу борада бирон-бир бюрократик тўсиқлар бўлишига умуман йўл қўйилмайди, — деди Президентимиз. — Чунки ҳар томонлама узоқни кўзлаб режалаштирилган экологик тоза ва зарарсиз ушбу йирик лойиҳа мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда ҳар бир босқичдаги ишларни пухта ишлаб чиқиш ва амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Депутат фикри

ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ МУҲОФАЗАСИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ватанимиз истиқлолининг дастлабки йилларидапоқ маданий меросимизни ишончли муҳофаза қилиши ва уни келажак авлодга асл ҳолича етказиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Энг муҳими, ЮНЕСКОнинг соҳага оид 4 Конвенцияси ратификация қилинди, соҳани тартибга солишга қаратилган 5 қонун ва 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Маданий меросни муҳофаза қилиш давлат раҳбари, ҳукумат ва парламент даражасидаги доимий кун тартибидеги масалага айланди.

Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг барча даражадаги ташкилот ва депутатлари партия дастурий вазифарларидан келиб чиқиб, муайян ташаббусларни амалга оширмоқда. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан амалдаги қирқдан ортиқ қонунларга ўзгариш ва қўшимча киритишга қаратилган қонун лойиҳаси 2017 йилда қуйи палата муҳокамасига киритилган эди. Ушбу қонун шу йилнинг 18 апрелида қабул қилиниб, маданий мерос объектларининг муҳофаза ҳудудларида қурилиш ишлари чекланди.

3-бет

Сухбат

ОДАМЛАР, АВАЙЛАНГ БИР-БИРИНГИЗНИ!

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Сўнги пайтларда кашандаликнинг янги, гўёки замонавий қўриниши — чилим ва электрон сигареталар чекиш урфга кирмоқда. Ҳам ёшлар, ҳам катталар орасида кенг тарқалиб бораётган бу ташвишли муаммо нафақат чекувчиларнинг ўзига, балки атрофидаги одамлар соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатиши билан аянчлидир.

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Парламент қуйи палатасида қизгин муҳокамалардан сўн қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуланган мазкур қонун 2018 йил 2 июль кун давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Зумрад БЕКАТОВА** билан сўхбатимиз ушбу қонун мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида кечди.

3-бет

Ўзлик ҳақида сўхбат

"ФОЛЬКЛОРСИЗ МИЛЛАТ БУТУН БЎЛМАЙДИ"

Ҳар бир миллатнинг маданияти, санъати, адабиёти ва маънавияти шаклланишида унинг босиб ўтган йўли, бошидан ўтказган яхши-ёмон кунлари асосий ўрин тутуди. Бу жараёнда халқ кўнглидан кечган дарду ҳасратларини, шодлигу қувончларини кўйлаш учун ўзига хос кўшиқ ва лапарлар, эртақ ва достонлар ижод қилади. Уларда миллатнинг орзу-умидлари, эртанги кунга ишончи, миллий урф-одат ва анъаналари акс этади. Халқнинг узоқ йиллик тажрибаси натижаси ўлароқ яратилган мақол, эртақ, достон, аския ва латифаларни умумий номда — халқ оғзаки ижоди, фольклор — халқ донишмандлиги, деб атаймиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси ҳамкорликда "Ўзлик ҳақида сўхбат" лойиҳасини йўлга қўйиб, унда жамоат, маданият ва фан арбоблари, олимлар, ёзувчи-ижодкорларнинг миллатнинг, шахснинг ўзлигини англаш борасидаги фикр-мулоҳазаларини газетхонларга тақдим этиб келмоқда. Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда навбатдаги "Ўзлик ҳақида сўхбат"ни фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, академик **Тўра МИРЗАЕВ** билан уюштирдик. Сўхбатни "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири ўринбосари **Исмаи ХУДОЁРОВ** олиб борди.

6-бет

Давра сўхбати

ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

АЙНИ ШУ МАҚСАДДА ЎЗМТДП БИЛАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ



Ёшлар — мамлакат келажакнинг асосий пойдевори, бошланган эзгу ислохотларнинг давомчилари. Шу боис уларни ҳар томонлама соғлом ва етук қилиб тарбиялаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қўлай шарт-шароитлар яратиш, ёш авлодни турли оқимлар ва ёт гоялар таъсиридан асраш устувор вазифадир.

Шу йилнинг 4 июль кун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар билан тизимли ишлаш, улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ёшлар сиёсати борасида амалга оширилаётган ишлар ва олдимизда турган муҳим вазифарларга эътибор қаратди.

2-бет

Фаолиятга назар

АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувдаги маърузасида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, олдимизда турган муҳим вазифарлар хусусида сўз борган эди. Ҳар бир партия ташкилоти, депутатлик корпуси вакиллари ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб қайта кўриб чиқиб, янги мезонлар асосида йўлга қўйди.

Фаолиятимиз давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган дастурий мақсад-вазифарлар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда маънавий соҳадаги ислохотларни амалга ошириш, миллий кадрларимизни асраб-авайлаш, миллий иқтисодиётда туризмнинг ўрнини ошириш масалаларида партия муайян ташаббуслар билан чиқмоқда.

Президентимиз маърузасида ҳар бир сиёсий партия ўзининг дастурий йўналишларидан келиб чиқиб, парламент ва депутатлик назоратини амалга оширувчи давлат органларини белгилаб олиши юзасидан кўрсатмалар берилган эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Маданият вазирилик ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик меморандумини имзоледи, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ҳамкорлари-

миз кўмағида "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини янги таҳрирда тайёрланмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд маданий мерос объектларини асраб қолиш ва тарихий ёдгорликларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва консервациялаш, уларнинг чегаралари ва муҳофаза ҳудудларини белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш каби вазифарлар партияимиз олдида турган муҳим вазифарлардандир. Шунинг билан бирга, партияимиз Маданият вазирилик билан бирга ҳудудлардаги маданий мерос объектлари ҳолатини ўрганди. Натижада 5 минг 500 дан ортиқ моддий маданий мерос объекти ҳақида ҳудудлар кесимида фото материаллар ҳамда улар ҳолатига доир маълумотлар йиғилиб, Вазирлар Маҳкамаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Маданият вазириликга тақдим қилинди.

2-бет

Кўргазмали семинар

ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАР ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси ҳамкорлигида "Миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ҳам ашё ресурсларидан самарали фойдаланишнинг долзарб масалалари: "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси корхоналари мисолида" мавзусида кўргазмали семинар ташкил этилди.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, партия фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари, вазирилик ва ҳўжалик бирлашмаларининг маъсул ходимлари,

мамлакатимиздаги эркин иқтисодий ва кичик зоналар раҳбар ходимлари, тадбиркорлик субъектлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Азамат Пардаев, "Ўзэлтехсаноат" АК бошқарув раиси вазифарини бажарувчи Алишер Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва экспорт миқдорини янада ошириш борасида амалга оширилаётган сўй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб ўтди. Хусусан, электро-

ника, кабелъ ва маиший жиҳозлар ишлаб чиқариш экспортини ривожлантириш ҳамда импорт миқдорини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Ўзэлтехсаноат" акционерлик компанияси, "Артел", "Анджон кабелъ", "Ўзкабелъ", "Ўзэлектроаппарат" корхоналарининг маъсул ходимлари соҳадаги мавжуд муаммолар, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини тақдимотлар воситасида кўрсатиб бердилар.

2-бет

Фаолиятга назар

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Партия ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлиги доирасида туризм соҳаси учун кадрларни тайёрловчи олий ва ўрта махсус таълим муассасари ўқув жараёни ҳамда ўқув дастурлари билан танишиш, уларни такомиллаштириш мақсадида таълим муассасаларида очиқ мулоқот ҳамда ўрганишлар ўтказилди.

Партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик

минг 847 масала аниқланиб, шундан 638 таси жойида ҳал этилди.

Фракция аъзоларининг жойлардаги ўрганишлари, сайловчилар ва фуқаролардан келатган мурожаатлар асосида тегишли ташкилотларга 27 депутатлик сўрови юборилиб, 21 масала ижобий ҳал этилди.

Партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини самарали амалга ошириш, электротариф манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда

минг, қарийб 54 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар эканлиги, яъни партия сафида ёшлар кўпчилигини ташкил этиши ушбу йўналишдаги ишлар самардорлигини янада оширишни тақозо этади. Фаолиятимиз давомида партия "Ёшлар қаноти" томонидан қатор самарали ва ҳаётий лойиҳа ҳамда ташаббуслар амалиётга татбиқ этилди. Масалан, "Хизмат — беминнат", "Навоий ворислари", "Депутат билан юзма-юз", "Уйма-уй" каби лойиҳалар асоси-

Кўргазмали семинар

ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАР ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАДИР



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Тадбирда "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган импорт маҳсулотлари ва уларни юртимизда маҳаллийлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда электротехника саноати хом ашё базаси етарли даражада шаклланимаган. Шу сабаб ички бозор имкониятлари ушбу тармоқнинг хом ашё ва бутловчи қисмларга бўлган талабини тўлиқ таъминлай олмайди. Бу, ўз навбатида, республикада ишлаб чиқарилмайдиган аксарият турдаги хом ашё ва бутловчи қисмларни импорт қилишга сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2017 йилда соҳа корхоналари томонидан умумий қиймати 244,7 миллион АҚШ доллари, жорий йилнинг январь-май ойларида эса 103,7 миллион долларлик хом ашё хориждан олиб келинган.

Шунга қарамадан, компания ўз таркибидagi корхоналар ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда импортни оптималлаштиришга доир қатор чора-тадбирларни доимий равишда амалга ошириб келмоқда. Импорт ҳажмини қисқартириш йўлида кабеллар учун

зарур бўлган полиэтилен хом ашёсини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етказиб бераётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, "Шўртан газ кимё мажмуаси" МЧЖ билан ҳамкорликда олиб борилган изланишлар натижасида кабеллар учун полиэтилен хом ашёсини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Семинарда маърузачилар импорт билан шуғулланувчи ташкилотлар, импорт қилинадиган хом ашё ва бутловчи қисмлар ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маълумотлар базасини яратиш ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш,

тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш каби масалаларда қатор изланишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидладилар. Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини маҳбуллаштириш бўйича қабул қилинаётган меъриё-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг аҳамиятига алоҳида ургу қаратилди. Бу борада жорий йилнинг 29 июнида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбир давомида "Ўзэлтехсаноат" АК таркибига кирувчи корхоналар томонидан кабель-сим, машиини ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳамда бугунги кунда импорт қилинаётган бутловчи қисмларнинг тақдими ташкил этилди. Унда мазкур бутловчи қисмларни маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш борасида маълумотлар берилди ҳамда тўғридан-тўғри шартнома тузиш имкониятлари қўриб чиқилди.

Азамат ПАРДАЕВ,

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракция аъзоси:



— Бугунги семинар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 29 май куни мамлакатимизда экспорт ҳажмини ошириш, импортни оптималлаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси доирасида ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда импортни оптималлаштириш ишлари талаб даражасида эмаслигини танқидий таҳлил қилган эди. Жумладан, жорий йилнинг 4 ойи мобайнида республикамиз бўйича товарлар импорти 4,86 миллиард долларни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 миллиард доллар ёки 30 фоизга ошган. Бунга асосий сабаб импорт таркибини ўрганиш ва уни оптималлаштириш бўйича ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлигидир. Бугун мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, яъни импорт ҳажмини камайтиришга хизмат қилувчи хом ашё ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона соҳасида қатор имтиёзлар берилган. Импортни қисқартириш ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун тадбиркорлик субъектларига, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўмак бериш, уларнинг кичик саноат зоналарида эркин фаолият олиб боришларига имкон яратиш — ҳозирги иқтисодий ислохотларимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Бугунги кўргазмали семинардан қўзланган мақсад-муддао ҳам шу.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Давра суҳбати

ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

АЙНИ ШУ МАҚСАДДА ЎЗМТДП БИЛАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Муслмонлар идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамкорлигида давлатимиз раҳбарининг мазкур видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан давра суҳбати ташкил этилди.

Ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт ғоялар таъсиридан асраш устувор вазифалардан биридир" маъносидаги ушбу тадбирни партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов олиб борди.

— Давлатимиз раҳбарининг ёшларга оид сиёсати замирида келажакимиз эгалари бўлиши ёшларни ҳар томонлама баркамол, юрт тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган қилиб тарбиялаш мақсади мужассам, — деди партия етакчиси. — Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Улар тақдир, эртасига ҳар биримиз масъулмиз. Шу йилнинг 4 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун муносиб шaroит яратиш кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиш-



ларидан бирига айланганини, аммо ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Шу йилнинг ўтган даврида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келатгани, бу ҳолат айниқса, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқориликча қолаётгани қайд этилди. Содир этилган жиноятнинг асосий қисми эса ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, жиноятчиликнинг илдири асар ҳолларда ишсизликка бориб тақалаётгани сир эмас. Жойлардаги ўрганишларимиз давомида ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўляпти. Умуман, ёшлар орасидаги мавжуд муаммоларни янада чуқур

ўрганиш, уларни ҳал этиш, давлатимизнинг бу борадаги сиёсатига кўмакдош бўлиш олдимизда турган муҳим вазифадир. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳудудий партия ташкилотлари, депутатлар ҳамда "Ёшлар қаноти" етакчиларининг уюшмаган ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини янада самарали ташкил этиш зарур.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Муслмонлар идораси раиси ўринбосари, шайх Абдулазиз Мансур бугун юртимизда олиб борилаётган диний-маърифий илохотлар мазмун-моҳияти ҳақида тўхтади. — Ёшлар учун жуда кенг шaroит ва имкониятлар яратилмоқда. Бундан фақат унумли фойдаланиш, ўқиб-изланиш зарур. Мақсад таълимга эътиборни кучайтириш лозим. Чунки мактабдаги таълим-тарбия инсон умрининг охиригача асосий пойдевор бўлади. Бизнинг ёшли-

гимизда бугунгидай имкониятлар йўқ эди. Аммо устозларимизнинг дарсларини қизиқиб тинглашга, кўпроқ билим олишга интилар эдик. Ўзимга келсак, ешлигимизда Навоий асарларини севиб ўқиганман. Отам ўзи савод чиқаришга-да имкони бўлмагани сабаб ҳар доим бизни мутулаага ундарди. Ўқийшимизни ҳамisha назорат қиларди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг миллий, диний қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди, ривожланишга юз тутди. Миллий ва диний қадриятлар умумлаштирилган ҳолда ривожлантирилса, миллат юксалади. Шу маънода буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий-диний меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талай.

Бунда Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилаётгани айни муддао бўлди. Ушбу марказ исломий таълимда, аждодларимиз меросини тадқиқ ва тарғиб этишда муҳим ўрин тутди. Аждодларимиздан мерос қолган тиббиёт, астрономия, география, тарбия ва бошқа масалаларга оид кўплаб бой манбалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш — бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Шунингдек, ёшларни ёт ғоялардан асраш, уларнинг мафқуравий имунитетини

шакллантириш, маънавияти, маърифатини юксалтиришда муҳим ўрин тутди, — деди нотик.


Давра суҳбатида ёшларга оид сиёсатга кўмакдош бўлишда партия "Ёшлар қаноти"нинг фаолиятини тубдан кучайтириш, ёшлар ичига янада чуқурроқ кириб бориш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, банк кредитларини олишда кўмаклашиш зарурлиги қайд этилди. Маълумки, Ёшлар куни арафасида "Ёшлар — келажакимиз" Давлат дастури тасдиқланди ва Ёшлар иттифоқи ҳузурида "Ёшлар — келажакимиз" жамғармаси ҳамда унинг туман, шаҳар филиаллари ташкил қилинди. Бу тузилма маблағларидан ёшларнинг бизнес лойиҳаларини учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилди. Ушбу дастур доирасидаги саяё-ҳаракатларда фаол иштирок этиш партия "Ёшлар қаноти", шунингдек, барча даражадаги депутатлар зиммасидаги муҳим вазифалардан бири сифатида қайд этилди. Президентимиз маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, партия "Ёшлар қаноти"га барча ҳудудларда ёшлар билан маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, уларни музей, театр ва бошқа маданий-маънавий масканлар, спорт мусобақалари, илм-фан, спорт ва амалий санъат тўғрақларига фаол иштирок этиш орқали бўш вақтини

ларни сақлаб қолиш мумкинлиги аён бўлди. Шунингдек, эрта турмуш қуриш ва ажримларда фақат оналарни айбдор қилиш ҳоллари кузатишмоқда. Бу каби салбий ҳолатлар, умуман, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази олдига қўйилган мақсад-вазифаларни биргина ташкилот ёки идора воситасида амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун изчил ҳамкорлик зарур. Шундагина юртимизда мустахкам оилалар сонини кўпайтириш, эрта турмуш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга эришиш мумкин.

Айни шу мақсадда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик Битими имзоланди. Ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Партия ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, уларнинг ҳудудий ташкилотлари ушбу ҳамкорлик доирасида оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, соғлом оила қуриш ҳамда жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашда фаол иштирок этишига келишиб олинди.

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Депутат фикри



ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ МУҲОФАЗАСИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон 1995 йил 22 декабрда Жаҳон маданий ва табиий мероси муҳофазаси қилиш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилган. Конвенция доирасида Хива шаҳридаги Ичан қалъа, Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси объекти, Бухоро ва Шаҳрисабз тарихий марказлари ҳамда Чотқол биосфераси (табиий мерос) Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичида маданий мероси муҳофазаси қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам маданий меросимизни асраб-авайлаш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласида бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган шиддатли ислохотлар натижасида мазкур Конвенцияга аъзо бўлиш, Жаҳон мероси кўмитаси тавсияларини бажариш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг қарорлари билан Бухоро тарихий маркази ва Хива шаҳридаги Ичан қалъа алоҳида муҳофазаси қилинадиган тарихий-маданий ҳудуд сифатида эътироф этилди ва ушбу ҳудудларда амалга ошириладиган ҳар қандай қурилиш ишларининг лойиҳаларини Жаҳон мероси кўмитаси билан аввалдан келишиб олиш белгиланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан биринчи марта Ҳазрати Хизр мажмуасидаги янги объектнинг қурилиш лойиҳаси Жаҳон мероси кўмитаси билан аввалдан келишилди ва халқаро экспертлар жалб этилган ҳолда Бухоро тарихий маркази ва Хива шаҳридаги Ичан қалъанинг сақлаш ҳолати мониторинг қилинди.

Афсуски, Шаҳрисабз тарихий марказида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришда Конвенция ва уни амалга ошириш бўйича амалий қўлланма қоидаларига риоя қилинмаганлиги ва уларнинг лойиҳалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси кўмитаси билан аввалдан келишилмаганлиги натижасида тарихий марказнинг бебаҳо қўлимани жаҳдиди салбий таъсир этган эди. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг жанубий қисмида, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Шаҳрисабзнинг тарихий марказига 2 минг йил аввал асос солинган бўлиб, у XIV–XV асрларда Кешинг сиёсий ва маданий маркази сифатида дунё тарққўетида алоҳида ўринга эга бўлган. Шаҳрисабзда шаҳарнинг бир неча минг йиллик ривожланиш тарихидан, жумладан, XV–XVI асрларда Амир Темура ва теурийлар давридаги тарққўёт ҳамда тамаддундан сўзловчи ноёб осори-атиқалар, қадимий даҳалар ва ёдгорликлар жойлашган.

Ўзбекистон ҳудудида Конвенция қоидаларига оғишмай риоя қилиш, мамлакатимиздаги Жаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлар ва ҳудудларни муҳофазаси қилиш, уларнинг ноёблиги, жаҳон маданияти ва тарихига кўшган беқиёс ҳиссасини сақлаб қолиш мақсадида 2018 йил 9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасидаги ҳудудларни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасидаги ҳудудларни муҳофазаси қилишни тақомиллаштириш ва ЮНЕСКО ҳузурдаги Жаҳон мероси кўмитасининг тавсияларини мамлакатимизда амалга ошириш бўйича 26 та банддан иборат «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унда маданий мерос объектларини, умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган маданий мерос муҳофазасини кучайтириш мақсадида қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, Шаҳрисабз тарихий марказида, Хива шаҳридаги Ичан қалъа ва Бухоро

Сухбат

ОДАМЛАР, АВАЙЛАНГ БИР-БИРИНГИЗНИ! МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



— Аввало, чилим ва электрон сигареталарнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, зарари хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Франциямизнинг бир гуруҳ аъзолари чилим ва электрон сигареталарни истеъмол қилиш ҳолатини, унинг

инсон саломатлигига зарарли оқибатларини ўрганишда, катта ёшдаги аҳоли орасида сигарета, сигара, трубка, чилим чечувчилар 2002–2006 йилларда аниқлангани, 2014 йилда эса бу ҳолатлар 18–64 ёшдаги эркеклар орасида 26,8 фоизни, аёллар орасида 1,4 фоизни ташкил қилганлиги маълум бўлди. Агар электрон сигарета ва чилим ўсимирлар орасида тарқалаётганини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич янада юқори бўлиши табиий.

Баъзи инсонлар чилим ва электрон сигареталар инсон саломатлигига тамаки маҳсулотларига нисбатан кам таъсир этади, деб ўйлайди. Афсуски, бу турдаги воситаларнинг саломатликка салбий таъсири тамаки маҳсулотиникидан юқори. Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари «Битта нафас олганда организмга кирадиган чилим тутуну битта сигарет чекишда олинадиган тутун билан тенг ҳажмда бўлиб, чилимни бир ўтириб чекиш, бирварақайига 25–30 оддий сигаретани чеккан билан баробар. Чилим сигаретадан зарарли», деган хулосага келишган.

Тадиқотлар ушбу восита ва маҳсулотлар саломатлик учун ўта зарарли эканлигини кўрсатади. Электрон сигарета чекиш давомида пайдо бўладиган бугули-тутули аралашма кучли канцероген таъсирга эга, жигар, буйрак, нафас олиш органлари ва иммун тизимига жиддий путур етказиши, тери касалликларини келтириб чиқаради. Чилимда фойдаланиладиган никотинсиз аралашмалар инсон саломатлиги учун барча ёнғувчи моддалар каби ҳавфи ва зарарлидир. Чилим чекиш жараёнида ис газидан ташқари катта миқдорда оғир металл ва турли кимёвий бирлашмаларнинг организмга тушиши онкология, юрак қон-томир, ўпка ва нафас йўллари касалликлари, асаб ва овуқат ҳазм қилиш тизими фаолияти бузилишига, жинсий ва репродуктив қобилияти сусайишига олиб келиши кузатилади. Тиш милклари патологияси ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради. Ҳомилдорлик вақтида чилим ва электрон сигареталарни қабул қилиш ҳомиланинг вақтидан олдин, кам вази билан туғилишига сабаб бўлади. Балаюқ ёшда бундай маҳсулотларни истеъмол қилиш эса бепуштлиққа олиб келиши мумкин. Чунки чилим чекиш давомида инсон тамаки маҳсулотларидан-да кўпроқ тутун ютиши натижасида организмга жуда катта миқдорда зарарли моддалар тушади. Шу билан бирга, чилим ва электрон сигареталарни гуруҳ бўлиб чекиш гигиена талабларига мос эмаслиги сабаб турли юқумли касалликларнинг юқиш ҳавфи ортади.

Энг ёмони, чилим чекишда тамаки маҳсулоти ёки чекиладиган қоршима (тутатқи қиём, тутатқи тош)дан ташқари кам миқдорда бўлса-да, гиёҳвандлик (наша) ва соғлиқ учун зарарли бўлган бошқа моддаларни истеъмол қилиш ҳоллари ҳам мавжуд.

— Ушбу қонунни ишлаб чиқишнинг зарурати нимада?

— Ҳозирги вақтда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тарқатишни чеклаш «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ва «Реформа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, алоҳида меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Тамаки маҳсулотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган «Тамаки маҳсулотлари бўйича гигиена талаблари»га риоя этилган стандарт ва технологиялар асосида тайёрланади. Бироқ чилим ва электрон сигарета чекиш кашандалиқнинг янги кўриниши сифатида кейинги пайтларда кўпаяётганлиги сабаб бу соҳадаги муносабатларни тартибга солидиган ҳуқуқий асос ва механизмлар мавжуд эмас эди. Чилим ва электрон сигарета чекишда фойдаланиладиган маҳсулотлар турлича бўлиб, унинг сифати ва таркибига бўлган талаблар ҳам қонунчиликда кўзда тутилмаган. Бу эса чекишнинг ушбу турлари оммалашшига олиб келиши мумкин.

— Қонунда назарда тутилган меъёрлар ҳақида батафсил тўхталсангиз...

— Қонунда «чилим», «электрон сигарета», «тутатқи қиём», «тутатқи тош» каби асосий тушунчаларнинг мазмунини очиб берилган. Чилим ва электрон сигареталар рекламасини чеклаш, тарғиботини тақиқлашга оид меъёрлар ўз аксини топган. Бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар (муассасалар), ташкилотлар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг иштироки белгилаб қўйилди.

Жамоат жойларида бу турдаги маҳсулотларни чекиш, шунингдек, фойдаланиш учун тақдим этиш тақиқланди. Хусусан, қонуннинг 6-моддасида белгиланганидек, кинотеатр, театр, цирк, концерт, кўрик ва кўргазма заллари, музей, компьютер заллари, ахборот-кутубхона муассасалари, поевздан, дарё кемалари, автобуслар, такси, йўналишли таксилар ҳамда шаҳар электр транспортлари, ҳаво кемаларида чилим ва электрон сигареталарни чекишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ер ости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари, аэропорт, темир йўл, автомобиль вокзаллари ва сув транспорт бекатларининг биноларида, тиббиёт ва таълим муассасаларида, спорт иншоотларида, стационар савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналарида ҳам (чилим ва электрон сигареталар чекиш учун махсус ажратилган хоналар бундан мустасно) тақиқланади.

— Қонун талаб ва меъёрлари бузилган ёхуд уларга амал қилинмаган ҳолатда қандай чора-

лар қўлланилади, жавобгарлик масалалари ҳам кўзда тутилганми?

— Албатта, жавобгарлик масалалари ҳам белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган бўлиб, унга кўра «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонунда белгиланган талабларни бузганлик учун ҳуқуқбузарлик турига қараб энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 15 баробаригача жарима белгилаш назарда тутилган.

— Ушбу қонунда кўзда тутилган масалалар инсоният саломатлиги, тақдири учун муҳим. Шундай экан, бу борада халқаро тажриба хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур қонунни ишлаб чиқиш жараёнида хорижий давлатлар тажрибаси, халқаро ҳужжатлар чўқур ўрганилди. Никотинга қарамлик масаласи кескин турган қатор хорижий давлатларда тамаки-сиз аралашмаларни чекиш ҳам одатдаги тамакини истеъмол қилиш каби ҳавфи деган хулоса мавжуд. Шу муносабат билан эллиқдан зиёд давлатда тамакидан холи муҳит тўғрисида қонунлар қабул қилинган, амалиётда бу қонунларнинг меҳмонхона сектори ва бизнес соҳасига салбий таъсири кузатилмаган. Жумладан, жамоат жойларида чилим чекиш Германия, Италия, Австрия, Беларусь, Франция, Швеция, Украина, Қозғоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт ва бошқа давлатларда тақиқланган. Бу мамлакатларда ушбу ҳуқуқбузарлик учун жарима санкциялари белгиланган. Айрим давлатлар қонунчилигида ҳуқуқбузарларни ахлоқ тузатиш ишларига ҳам йўналтириш кўзда тутилган.

— «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонун ўз моҳияти ва аҳамияти билан ЎЗМТДП дастурий вазифаларига ҳамоҳанг...

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, улар ўртасида салбий ҳолатларга барҳам бериш, айниқса, уюшмаган ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш тарафдори. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришни илгари суради. Мазкур қонун ҳам жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекиш кенг тарқалишининг олдини олиш бораборида ёшларни бу каби иллатлардан асраб-авайлашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, чекмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш, чилим ва электрон сигареталар чекилиши натижасида келиб чиқадиган хасталиқлар, шу жумладан, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади. Шундай экан, партия дастурий вазифаларига муштарак, фракциядошларимиз ташаббуси асосидаги ушбу қонун мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, у кучга киргач, ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари биргаликда фаол иштирок этишимиз зарур.

«Milliy tiklanish» мухбири
Муҳтарам КОМИЛОВА суҳбатлашди

Тил — миллат бойлиги

ОНА ТИЛИГА БЕПИСАНДЛИК МИЛЛАТГА ХИЁНАТ ЭМАСМИ?!

Она тилимизни қадрлаш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зеро, тилимизни асраш ва ривожлантириш — миллатнинг юксалиши демак. Ушбу масала Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг муҳим дастурий мақсад-вазифаларидир. Партия сайловолди Платформасида давлат тилини янада бойитиш ва тақомиллаштириш, тил маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.



«Давлат тили ҳақида»ги, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Навоий вилоятидаги ижроси юзасидан жамоат жойлари, бино ва иншоотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида жойлаштирилган айрим реклама воситаларини ўрганиш жараёнида ҳали ҳамон кўплаб имло хатолари учраётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Натижада ана шу хатолардан миллий кадрлар ва маънавиятимизга зид маънодаги сўзлар келиб чиқади. Бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи

қабул қилишади ва дарс жараёнида ҳам шундай ёзишга оdatланиб боради.

Бозорга тушганимда гувоҳ бўлдимки, бозор худудидаги аксарият пешлавҳа, реклама ва баннерлардаги сўзларда имло хатолар мавжуд. Жумладан: «guruch» сўзи «gurch», «xarid» сўзи «harid», «daha» сўзи «daxa», «mahsulot» сўзи «maxsulot», «Karmana mehri» — «Karmana mexir», «shoxobcha» сўзи «shahobcha», «diyot» — «dior» деб ёзилган.

Бундай хатоларни санаб адоғига етмайсан...

Наҳотки, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги 28 йил, «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги эса 24 йил тўлган бўлса-да, ҳанузгача ўзбек адабий тили имло қоидаларига амал қилмаслик ва турли хатоликларга дуч келаверамиз?! Бу тилга беписандлик эмасми?

Бундай ҳолатни фақатгина 10-даҳадаги деҳқон бозорида эмас, балки вилоятнинг барча бозорларида учратилиши оdatий ҳолга айланиб қолган. Шунингдек, кўплаб дўконлар, пайнет шохобчаларида, айрим реклама баннерлари ўзбек ва инглиз тилларида, лотин ва кирилл алифбаларида аралаш сўзлар билан ёзилган ёзувларни кўриб ажабланисан.

Бугун барча корхона, ташкилот ва муассасаларда раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси ёхуд шу масала бўйича масъул ходимлар фаолият олиб боради. Хўш, улар қаяқча қарашмоқда?! Уша шиор

ёки кўргазмали воситалар тайёрланаётганида улар бир марта бўлса-да, кўз ташлаб қўйяптимики? Агар улар масъулиятни ҳис қилганида, бу ёзувлар фарзандларимиз саводига ҳам салбий таъсир кўрсатишини ўйлаб кўришганида, балки бу хатоликлар юзага келмасмиди?!

Ҳозирда янги фаолият бошлаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида «МЫ ОТКРЫЛИСЬ» ёки «Аёллар ва эркеклар тиквонхонаси» деган ёзувларга кунда-кунора кўзимиз тушади. Улардан маъно-мантқиқни эса минг урининг, излаб тополмайсан...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, болалар ёзганини эмас, кўрганини кўпроқ эслаб қолар экан. Шундай экан, ҳар бир сўзнинг тўғри ёзилишига алоҳида эътибор қаратиш, ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча шиорлар, баннер ва пешлавҳалардаги хатоликлар кўп ҳолларда бир хил. Бундан кўринадики, ушбу ёзувларни буюртмачиларга етказиб бераётган полиграфига корхоналари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш ва бу хил хатоликлар юзага келса, уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш лозим. Шунингдек, уларда давлат тилини яхши биладиган, саводли ходимни ишга олиш ёхуд буюртмаларни улар ўқиб чиқиш, хатосини тузатганидан кейингина кўпайтиришга руҳсат бериш кераклигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Абдували БҮРИЕВ,
ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши
матбуот котиби



Нодир МУХТОРОВ,
ЎЗМТДП
фракцияси аъзоси

Ташаббус натижа берди

МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИМИ?

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЗАФАРБОД ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Муסיқа инсон руҳияти ва дидини юксалтиради, тасаввур олами кенгайтиради. Миллий гуруҳ, ақл-заковат англашга ожизлик қиладиган ботиний туйғуларни уйғотади, инсонга ички хотиржамлик бағишлайди. Мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантиришда айна шундай мақсад назарда тутилган: ўз ҳаётини мезонларини нафис санъат тамойиллари асосида шакллантирган, диди ўткир, тасаввур тиниқ, тафаккур доираси кенг ёшларни вояга етказишдан иборат.



натижалари Кенгаш сессиясида муҳокама этилди. — Бу масалани сессияга олиб чиқишдан олдин чуқур ўргандик, партия гуруҳи йиғилишида обдон муҳокама қилдик, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи раҳбари Шавкат Абдуалимов. — Туманимиздаги 200 нафар ўқувчига мўлжалланган 9-муסיқа ва санъат мактаби 2013

Болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастурида болалар муסיқа ва санъат мактабларини қуриш, уларни ҳудудий жиҳатдан мақбул жойлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий салоҳиятини ошириш, муסיқа ва санъатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, бу борада тўпланган жаҳон тажрибаси ва меросини чуқур ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси сайловоти Платформасида ҳам мамлакатимизда болаларнинг руҳий-маънавий дунёси ва маданий савиясини ўстиришда миллий ва жаҳон муסיқа санъатини чуқур ўрганиш, уларни халқаро нуфузли танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш, маданият муассасалари, "Баркамол" авлод болалар марказлари, муסיқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боис ЎЗМТДПнинг ҳудудий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари

йили курилиб, фойдаланишга топширилган. Айна пайтда мазкур мактабда 165 ўқувчи ўзбек халқ чолғу созлари, дамла ва зарбли чолғулар, тасвирий санъат, фортепьяно, хореография, эстрада хонандаси, амалий санъат каби йўналишларда таҳсил олмақда. Ўрганишлар жараёнида айрим дарс соатлари соҳа мутахассиси бўлмаган ўқитувчилар томонидан ўтиляётгани, уларнинг аксарияти бирорта созни чалиш малакасига эга эмаслиги, баъзи ҳолларда дарслар шунчаки шеър ёдлаш ёки таълим мазмунига номувофиқ бўлган қўшиқларни эшитишдан иборат бўлиб қолаётгани аниқланди. Ўқув дастурида гарчи ўзбек халқ муסיқа чолғулари ҳақида маълумот берилса-да, лекин ўша миллий чолғулар тақчил ёки мавжуд эмас. Мактабда 19 нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис фаолият юритиб келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда тақлиф билдирардики, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Маданият ва санъат институтида олий маълумотли кадрларни тайёрловчи махсус сиртки бўлим очилса, нафақат бизнинг, балки бошқа ҳудудлардаги муסיқа ва санъат мактабларидаги кадрлар билан боғлиқ муаммоларга ҳам ечим топиладиган бўлар эди.

Сессияда муסיқа ва санъат мактаби фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтган йиғилишда муассасанинг моддий-техник базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, муассасада болаларнинг ўқиши учун тўланадиган тўлов миқдорини Давлат дастурида белгиланган меъёрларга мувофиқлаштириш, хусусан, кам таъминланган

ларга бой ўтган йиғилишда муассасанинг моддий-техник базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, муассасада болаларнинг ўқиши учун тўланадиган тўлов миқдорини Давлат дастурида белгиланган меъёрларга мувофиқлаштириш, хусусан, кам таъминланган

оила фарзандлари учун белгиланган имтиёزلарни амалда қўллаш лозимлиги қайд этилди.

Билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлиф-тавсиялар асосида сессия қарори қабул қилинди. Қарорда 9-болалар муסיқа ва санъат мактабидаги ўқув-тарбия жараёнини тубдан қайта қўриб чиқиш ва яхшилаш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда янги ўқув дастурлари ва ўқитиш методикаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш белгиланди. Мукамал ўқув-педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш тизимини жорий этиш, болалар муסיқа ва санъат мактабининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларни янги авлод замонавий ўқув ускуналари ва анжомлари, шу жумладан, мультимедия шаклидаги ўқув адабиёти ва методик қўлланмалар, маҳаллий ва хорижий композиторлар ижодига доир нота тўплалари, сифатли кўргазмалар материаллар билан таъминлаш масалалари ўз аксини топди.

Бундан ташқари Ўзбекистон давлат консерваторияси, Глиэр номидagi республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейининг бой имкониятидан фойдаланган ҳолда болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, болалар муסיқа ва санъат мактабида таҳсил бераётган номуахассис кадрларни мутахассислик бўйича ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш, ўрта махсус маълумотли кадрларни олий таълимнинг сиртки бўлимида ўқитиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланди.

Шавкат САЙФУЛЛАЕВ, ЎЗМТДП Зафаробод туман кенгаши раиси:

— Бугунги кунда депутатларимизнинг фуқаролар муносабати, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан амалга ошираётган ишлари натижасида ўнлаб муаммолар жойида ҳал этиляпти, доимий комиссиялар йиғилиши ва Кенгаш сессияси кун тартибига муайян тақлиф ва ташаббуслар киритилаётди.

Партия дастурий вазифалари асосида сессия муҳокамасига олиб чиқилган мазкур масала ҳам муסיқа ва санъат мактабидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ёш авлод таълим-тарбияси учун ҳар томонлама қўлай шарт-шароит яратишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташаббус-масала юзасидан қабул қилинган қарор ижроси таъминлашни туманимиз ёшларининг истеъдод ва маҳоратини янада ошириш, юртимиз санъати ривожига муносиб ҳисса қўшадиган инсонларни камол топтиришга хизмат қилади.

Зафар АҲМАДОВ, ЎЗМТДП Зафаробод туман кенгаши етакчи мутахассиси, Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Сайёр тиббий кўрик

"ЗАМИНОБОД"ГА ЯНА ШИФОКОРЛАР КЕЛДИ

Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партиядан сайланган депутат Баҳром Шарипов ташаббуси билан Миробод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-оилавий поликлиника Заминобод маҳалласида сайёр қабул ташкил этди. Қабулда хирург, ортопед, травматолог, кардиолог, терапевт, окулист, лор каби мутахассислардан иборат гуруҳ УТТ, ЭКГ аппаратлари ёрдамида маҳалла аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказди, биокимё ва клиник таҳлиллар қилди.

— Заминобод маҳалласи билан 1-оилавий поликлиникамиз оралиғидаги масофа анча олис, — дейди поликлиника бош ҳамшираси Азиза Бекмуҳамедова. — Айниқса, қариялар ва кўп болали оилаларнинг тиббиёт муассасамизга қатнаши қийин. Шу боис маҳаллаларда маълум бир белгиланган вақтда шундай қабуллар ташкил қилишни режалаштирганмиз. Аммо депутат Баҳром Шарипов саъй-ҳаракати билан бу маҳал-

лада ҳар йили бир эмас, икки марта тиббий кўрик ўтказамиз. Бу борада депутат бош-қош бўлади, биз ва аҳоли учун барча шарт-шароитни яратиб беришга кўмаклашади. Маҳалла биносига келишга қийнаётган қария ва касалланд инсонларнинг эса уйига борамиз. Шунинг учунми, поликлиникадагилар Заминободга "эркатой маҳалла" деб ном беришган.

— Шифокорларнинг маҳаллага келиб, аҳолини тиббий кўриқдан



ўтказётгани биз каби қарияларга жуда маъқул бўлмоқда, — дейди тиббий кўриққа келган 2-гуруҳ ногирони Мавлуда Сафиярова. — Чунки поликлиникамиз маҳалламиздан анча узоқда жойлашган, унга бориш биздек кекса инсонларга мушкуллик туғдиради. Қариганингдан кейин эса шифокорлар ёрдамига тез-тез муҳтож бўлиб қоларкансан. Шу боис биз-

га қўлайлик яратишга кўмаклашаётганлардан миннатдоримиз.

Кун давомида шифокорлар юз нафардан ортиқ кекса ва ногирон ўтказётгани биз каби қарияларга, кўп ва ёш болали оилаларга, турмуш ҳаётида ҳамда ҳомиладор аёллар, ўсмир қизлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларга маълум тиббий хизмат кўрсатди.

ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

Партия лойиҳалари — амалда

Мамлакатимизда аҳоли манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш, муаммоларига ўз вақтида ижобий ечим топиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ушбу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партиясининг барча ташкилот ва депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда.

БИР ГУРУҲ ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ



бандлик борасидаги муносабатларга, унинг билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Гулистон туманидаги учрашуларда Чорвадор маҳалласи 12-уйда истиқомат қилувчи Дилфуза Ёркулова педагогика коллежини "мактабгача таълим" мутахассислиги бўйича тамомлаган бўлса-да, муносиб иш топа олма-

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар жорий йилнинг олти ойи давомида хонадонларга кириб уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар билан учрашди, уларнинг муаммоларини ўрганди. Аҳолидан жами 227 муносабат келиб тушди, уларнинг 122 таси ижобий ҳал этилди, 105 таси эса ўрганилмоқда.

Учрашуларда муносабат қилган фуқароларнинг олти нафарига даволаниш учун ордерлар олиб берилди. Хусусан, Сайхунбод тумани Паймард маҳалласи фуқароси Фотима Ҳожиёева ордер асосида Тошкент тиббиёт академиясида даволаниш имконига эга бўлди.

— Бир неча йил давомида турли касаллик сабаб 7 марта жарроҳлик амалиётини ўтказдим, — дейди Фотима Ҳожиёева. — Аҳволим ҳозирги кунда ҳам яхши эмас, яна жарроҳлик столига ётишга мажбур бўламан. Аммо бунинг учун маблағ зарур. Даволаниш учун ордер олиш мақсадида қатор ташкилотларга муносабат қилдим. Аммо натижа бўлмади. Шундан сўнг ЎЗМТДП Сирдарё вилоят кенгашига муносабат қилдим. Муносабатим жавобсиз қолмади — партия вилоят кенгаши девони раҳбари Шерзод Нурматов ва Сайхунбод туман кенгаши раиси Ботир Қаршиевнинг саъй-ҳаракатлари билан ордер олишга муваффақ бўлдим.

Юртимизда аҳоли сони муттасил ортиб бормоқда. Бу эса, табиийки, фуқароларнинг уй-жойга эҳтиёжи ортишига сабаб бўлади. Депутатлар "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Янгиер шаҳридаги қатор маҳаллаларда бўлганида аҳоли орасида уй-жойга муҳтож фуқаролар борлиги аниқланди. Мисол учун, Янгиер шаҳридаги "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғини Юнусобод кўчаси 13-уй 2-хонадонда яшовчи фуқаро Зарифа Холбоева уй-жой масаласида муносабат қилган. Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши депутати Инобат Обидова муттасил ташкилотларга айна шу масалада депутатлик сўрови жўнатди. Бунинг натижасида фуқарога янги қуриляётган, арзон уй-жойдан кредит асосида 1 хонали уй берилдиган бўлди.

Худди шундай муносабат маҳалланинг Ижодкор кўчаси 2-уйида истиқомат қилувчи фуқаро Хуршид Абдуқаноовдан билдирилди. У тегишли ташкилотларга кўп қаватли уйлاردан жой олиш масаласида бир неча бор муносабат қилгани, лекин бошланғич тўловни тўлашда қийналаётганини айтиб, банкдан кредит олиш тартиби борасида ёрдам сўради. Депутатлар томонидан фуқарога бошланғич тўловни банкдан кредит асосида олиш тартиби тушунтирилди. Айна пайтда бунинг учун керакли ҳужжатлар тўпланмоқда.

— Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, асосий мақсадимиз халқимизни ҳаётдан рози қилиш, эртанги кунга ишонч билан яшашларга эришиш, — дейди халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Инобат Обидова. — Бунда бизга партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси жуда қўл келмоқда. Унинг воситасида жойларда фуқаролар билан бевосита мулоқотга киришяпмиз, уларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиб, зудлик билан ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилаёпмиз. Бу йўлда барча депутат ва муттасиллар ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, кўзланган натижага эришиш мумкин.

Ҳозирги пайтда аҳоли, айниқса, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш мамлакатимизда асосий вазифалардан бирига айланган. Шу боис, депутатларнинг аҳоли билан учрашувариди

ётганини билдирди. Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Барно Алимованинг саъй-ҳаракати билан фуқаро Гулистон шаҳридаги 17-мактабгача таълим муассасасига ёрдамчи тарбиячи бўлиб ишга қабул қилинди. Бундан ташқари, депутат кўмаги билан туманининг Олтинтепа маҳалласи 31-уйида истиқомат қилувчи Зулхумор Бўрибоева ҳамда Гулистон шаҳри Сайқал маҳалласи 35-уй 17-хонадонда истиқомат қилувчи Муфаззал Абдурахимов ҳам 17-МТМдаги бўш иш ўринларида ишлаш борасида меҳнат шартномасига имзо чекидилар.

— Юртимизда биз ёшларнинг муносиб иш билан таъминланишимизга давлат даражасида эътибор берилётгани эртанги кун учун умид уйғотади, — дейди Дилфуза Ёркулова. — Коллежни тамомлаганимдан сўнг маълум пайт ўзимга муносиб иш тополмаётгандим. ЎЗМТДП депутатлари маҳалламизга келганида улар билан учрашиб, ўз муаммоимни билдирдим. Депутат Барно Алимова ҳужжатларимни кўздан кечирди ва қаерда ишлашим бўйича ўз маслаҳатини аямади. Учрашувдан кўп ўтмай ўзим ёқтирадиган соҳа — болалар тарбиячиси сифатида иш бошладим. Бунинг учун партия ва депутат Барно опадан миннатдорман.

Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатларнинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасидаги учрашувариди мактабгача таълим тизимига баъзи муаммолар мавжудлиги аниқланди. Шаҳарнинг Ҳамид Олимжон кўчаси 15-уйида истиқомат қилувчи Нигора Имомназарова ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятидаги камчиликлар, мавжуд муаммолар хусусида гапирди. Депутатлар фуқарога Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мазмун-моҳияти ва ижроси бўйича маълумот берди. Мавжуд муаммолар юзасидан Ширин шаҳар мактабгача таълим бўлими раҳбариятига депутатлик сўрови жўнатилдиган бўлди. Шунингдек, ушбу масала жорий йилда халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига киритилгани маълум қилинди.

Депутатлар Ширин шаҳар Бунёдкор маҳалласида истиқомат қилувчи бир қатор ёшлар билан учрашуларда уларнинг муаммоларига қўлоқ тутти. Маҳалла ёшларидан Моҳинур Ниязметова ва Маҳлиё Эргашева математика фанига қизиқишини, аммо махсус тайёрлов курсларида қўшимча шуғулланишлари учун оилавий шароити тўғри келмаслигини билдирди. Улар депутатлар кўмагида партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида таълим оладиган бўлди. Худуддаги 1-умумтаълим мактабида ёшларга математикадан сабоқ бериб келаётган моҳир педагог Абдуҳаким Ақромов уларга лойиҳа доирасида бепул таълим беради.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи аъзолари аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашаётгани фуқароларнинг партия ва депутатларга бўлган ишончи ортишига хизмат қилаётди.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

“Фольклорсиз миллат бутун бўлмайди”

< Давами. Бошланиши 1-бетда.

— “Ўзлик ҳақида сўхбат” лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги фан, санъат, маданият ва адабиёт каби соҳалар намояндалари билан турли мавзуларда сўхбатлар уюштирилмоқда. Албатта, ҳар бир сўхбатдошнинг миллатнинг, шахснинг ўзлигини англашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаси бўлади...

— Жуда яхши лойиҳани йўлга қўйибсизлар. Буни қўллаб-қувватлаймиз. Чунки ўзбек деган ном — бу бутун бошли бир халқ. Бу халқнинг миллат сифатида ўзини англаши низоҳатда узоқ жараёни кечиб ўтган. Бу тарих ўн минг йилларга бориб тақалади. Унда халқимизнинг нафақат ўтмишдаги, балки бугунги кундаги маънавияти, адабиёти, санъати, иқтисоди, турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Юқоридаги каби турли мавзуларга бағишланган бундай сўхбатларнинг ташкил этилишини, биринчи навбатда, “Миллий тикланиш” газетасининг, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг маданият, маърифат ва санъат каби соҳаларни ривожлантиришдаги ўзига хос позицияси, деб тушуноқ керак.

— Сизни йирик фольклоршунос олим сифатида яхши таниймиз. 1960 йилдан буён Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида меҳнат қилиб келасиз. Бу муддат, Фанлар академиясига эътибор сусайган пайтлар ҳам кузатилади. Ҳатто унга сайлов ўтказилмай қўйилди. Лекин сўнгги йилларда Фанлар академиясининг нуфузи қайта тикланди. Академиклар, олимлар, илмий ходимлар нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам рағбатлантирилмоқда. Фанлар академияси тарихидан чиқарилган институтлар қайта бириктирилди, сайлов ўтказилди. Мана шундай жараёнда “саломга алик”, деганларидек академикларимиз бу каби жадал ўзгариш ва ислохотларга нечоғли жавоб бера оляпти?

— Фан жаҳиятда ҳамisha ассий ўрин тутган. Айтиш мумкинки, у — жаҳиятнинг барча бўйинини ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи ўзига хос бир ижод. Фанга асосланмаган мамлакат ва миллат ўз келажагини таъминлай олмайдими. Шу маънода ўтган асрда Ўзбекистон Фанлар академиясининг таъкид этилиши мамлакатимиз фаннинг катта сулоҳиятининг натижаси бўлган. Академияси маънавий асосларга эришган, мураккаб сўхбат бироз ўзгарган қўшбўйли бўлган ҳам бор гап. Шу сабаб унинг аъзолари секин-аста тарқала бошлади. Уша вақтда академияга тегишли айрим институтлар у ёки бу олий ўқув юрти таркибига ассосиз равишда қўшиб юборилди. Мисол учун, Ядро физикаси институти олайлик. Уни Ўзбекистонда қайси олий таълим муассасаси таркибига киритиш мумкин?! Холбуки, бу институт бир нечта олий ўқув юрти билан боғлиқ ҳолда фаолият олиб борган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев фояси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси катта куч-ғайрат, шиддат ва шижоат билан амалга оширилган барча соҳа тараққиёти учун туртки бермоқда. Эътибор қаратсак, Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига сайланганининг дастлабки кунларида — аниқроғи, 2016 йил 30 декабрь куни академия олимлари билан учрашди. Шундан сўнг академия фаолиятга тегишли бир қатор фармон ва қарорлар имзоланди, илгари ассосиз равишда чиқариб юборилган институтлар академия таркибига қайтарилди, айримлари янгидан ташкил этилди. Бу каби ўзгаришларни кўриб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фаннинг янги тараққиётида “ренессанс” ҳодисаси рўй берди: фанда қайта уйғониш юзга келди.

Академия ходимларининг бугун ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини қайтариб юборилган институтларнинг қайтарилиши, академикларнинг гуноҳларини очиши, академияга янгидан сайлов ўтказилишида қўриш мумкин. Жумладан, собиқ Тил ва адабиёт институти янги — Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти номи билан академия таркибига киритилди. Фанлар академияси фаолиятини ривожлантириш учун жорий қилинаётган чора-тадбирлар, унинг ходимлари учун яратилган имкониятлар шунга яраша масъуляти ва, айтиш мумкинки, ўзига хос жавобгарликни ҳам талаб қилади. Биз олимлар, академиклар, катта-кичик илмий ходимлар, профессор, фан докторлари мана шу эътиборга муносиб жавоб қайтаришимиз зарур. Албатта, фундаментал тадқиқотларни бир кун ёки бир йилда амалга ошириб бўлмайди. Уларни олиб бориш узоқ вақт ва машаққатли меҳнат талаб этади. Бундан ташқари, фундаментал тадқиқот доирасида маълум мавзу бўйича изланиш олиб борасизу, бироқ бу изланишлар натижасиз аяқланиши ҳам мумкин. Чунки фан янгилик яратишга қаратилган. Сиз излаётган нарса нафақат топилмаслиги, балки мутлақ бошқа нарса бўлиб қиқиши ҳам мумкин. Лекин бу сиз изланишдан, янгиликка интилишдан тўхташингиз керак дегани эмас. Шу маънода Ўзбек тили, адаби-



ёти ва фольклори институтини ривожлантириш, гуллаб-яшатиш учун қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Шунга қарамай институтда шу кеча-кундузда бир қатор масалалар устида иш олиб борилмоқда, ва, ўйлаётганимиз, бунинг натижаси биз кутганимиздан-да аъло бўлади. Ана шундай изланишлардан бири сифатида “Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари” деган умумий ном остида юз жилдик китоб нашрга тайёрланмоқда. Ҳозиргина унинг ўн жилди босмадан чиқди. Китоб 1922 йилдан то ҳозирга қадар ёзиб олинган халқ орасидаги ва институт архивида сақланаётган фольклор намуналарини ўзида жамлаган. Бу бир вақтнинг ўзида кенг оммага мўлжалланган ҳамда тадқиқотлар, кириш мақолаларни ҳисобга оладиган бўлсак, соф илмий, академик нашр ҳисобланади. Китобнинг 50 жилди дostonлар ва қиссалардан иборат. Халқимиз орасида қиссахоҳлар кўп бўлган, бугунгача уларга эътибор қаратилмаган эди. Бундан ташқари, эртак, топишмоқ, мақол, латифа, оғзаки драматургия намуналари, қизиқликлари каби халқ оғзаки ижоди меросининг барча тури қамраб олинмоқда. Унинг устига китоблар қарийб Миллий энциклопедия форматига чоп этилади.

Сирасини айтганда, фан — бу узоқ йўлга отланган қарвон. Бирданига юқори натижаларга эришиш мушкул вазифа: “Бир оғзаки ижодимиз масъулятли вазифини сиқидилдан адо этиш билан бугун бизга қаратаётган эътибор ва яратиб берилаётган шароитларга муносиб жавоб қайтаришга ҳаракат қилмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси фаолиятини жиддий жонланаш кузатилади. Улар бугун олиб бораётган фаолиятни матбуотда эълон қилинаётган мақолалари, телевидениедаги чиқишларида кўриб туришимиз. Энди бевосита бугунги сўхбатимиз мавзуси юзасидан бериладиган саволларга ўтсак. Сиз фольклоршунос олим сифатида халқимизнинг урф-одат, аъёналари, маросимлари ва улар замирида нималар ётишини яхши биласиз. Миллатнинг, шахснинг ўзлигини англашда фольклорнинг роли ва аҳамиятига қандай боҳ бериасиз?

— Илгари дostonчилар ҳам ўзларига, биз нега дoston куйлаймиз, деб савол берган ҳамда қуйидаги жавоб берган:

Халқимизнинг кўнглин ботир қилмоққа Куйлаймиз биз Гўрғули Султонни...

Демак, халқ оғзаки ижоди намуналари бизга маънавий эстетик завқ беришдан ташқари, кўнглимизни тарбиялаш вазифини ҳам бажаради. Мана шу ўринда атоқли дostonчи Эргаш Жуманбулбул ўғлидан бир тўртликни келтирсам ўринли бўлади:

**Оқиллар айирар сўзинг фарқини,
Баробар қилмади ҳар мол нарҳини.
Ўзбекларда гапга синчи кўп бўлар,
Гап билан айиринг ўзбек халқини.**

Бу тўртлик халқимиз менталитетига, руҳияти, маънавияти, сўз санъаткорлигига таснифдек, ўзига хос берилган баҳо каби янграйди.

“Алпомиш” дostonи ҳақидаги мақолаларимдан бирида мазкур дostonга, миллатнинг ўзлигини англаш, халқ сифатида шаклланишига ташланган адабий қадам, деб тариф берганман. Бизнинг фольклоримиз низоҳатда бой. Масалан, “Алпомиш” дostonининг 40 га яқин вариантлари мавжуд бўлиб, шундан 25 таси тўла ёзиб олинган. Шу 25 вариантдан биз 10 тасини нашр этилди. Айтайлик, дostonчиликнинг улкан намояндаси Фозил Йўлдош айтган варианты 13 минг 715 мисрани ўз ичига олади. Бундай ҳажмдаги дostonни ёддан айтиши бахшининг нақадар катта салоҳиятга эгалигини билдиради. Бу ҳолат эса бахшилардан халққа, оддий тингловчига қўнган. Бахши бўлмаган кишилар ҳам дostonлардан қўллаб-барчаларни ёддан билади. Бу эса киши ўзининг турмуш тарзида, кундалик ҳаётида дostonдаги образлар билан яшашини, ўзи билиб-билмай уларга тақлид қилишини англайди. Чунки бу — оғзаки ижод фольклор кишилар қонига синиб кетади. Шу маънода оғзаки ижод намуналари халқимиз маънавиятини юксалтиришда бугун ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга.

— Фольклоршунослар дейилганида ёди-

Сиз йўқ экансиз. Хонадаги китоб жавонидан тортиб стол-стулгача ўтган асрнинг 40 йилларига хос экани кўриниб турарди. Ажабланганимни кўриб, “бу Тўра Мирзаевнинг ўрни. Стол-стуллар эса Ҳоди Зарифдан қолган. Институт бир неча жойга кўчса ҳам домлашу мебелларни ўзи билан олиб юради”, деб тушуниришди. Очиғи, бундан жуда таъсирландим. Бу — шогирдининг устозга бўлган ҳурматининг ёрқин намунаси. Шу ўринда “устоз-шогирд” аъёнаси ҳақида ҳам фикрларингизни билдирсангиз. Бу илм-фанда нечоғли зарур?

— Стол-стулларни яхши ният билан сақлаб қолганман. Буни устозга бўлган ихлосим, деб тушуниш ҳам мумкин. 2010-2013 йилларда “Ҳоди Зариф билан сўхбатлар” китобини ёздим. Унда асосан фольклоршуносликнинг у ёки бу масаласи юзасидан, фольклоршунослар ҳақида Ҳоди Зарифдан эшитганларимни ана шу китобга жамладим. Китоб устида ишлаш жараёнида бир нарсага жуда аччандим. 10-12 йил давомида устоз билан ҳамфикр-у ҳамкор бўлсам-да, кундаликка ўхшаган бир қоралама дафтар тутмаган эканман. Хотирада эса ҳамма нарса ҳам бошидан охиригача сақланиб қолавермайдими.

Устоз-шогирдлик катта илмнинг туғилишида муҳим ўрин тутади. Бу аъёналар юртимизда минг йиллик тарихга эга десак, адашмаган бўлаемиз. Устозингиздан ҳар кунги, ҳар соғинада ниманидир ўрганасиз. Ҳатто қадимда ҳам хунармандликми, заргарликми, илм соҳасини ўзининг ёзилмаган қоидалари бўлган. Уларни фақат устозлар орқали ўрганиш мумкин.

Бугунги кунда юртимиз илм аҳлида ҳам “устоз-шогирд” аъёналари мавжуд. Масалан, ёш тадқиқотчи аспирантурага ўқишга кирганида, шу соҳадаги йирик олимлардан бирига бириктириб қўйилади. Худди шу жойда масаланинг бошқа жиҳати ҳам кўриниб қолади. Илгари “аспирантура”, “докторантура” атамалари бор эди. Ҳозир аспирантура ўрнига таянч докторантура деб атамоқда. Кимдир математика фанидан диссертация ёқласа “математика фанлари бўйича фалсафа доктори”, филология бўлса, “филология фанлари бўйича фалсафа доктори” дейилапти. Шуларни ўз ўрнига қўйиб фан номзода, фан доктори десак, кимга ҳалақат беради? Янги атама-лар билан бир вақтдан тилга, бошқа жиҳатдан йиллар давомида шаклланган “устоз-шогирд” аъёналарига зуғум бўлди. Илгари олимлар, “менинг шогирдим”, “менинг аспирантим” дерди, энди “бу менинг таянч докторим” дейди-ку? Сўзлардан кўра моҳиятга кўпроқ эътибор қаратиладиган эди сўзлар ҳам ўз ўрнида қўлланиларди. Ана шунда тилга ҳам, аъёналарга ҳам зиён етмайдими.

Жаҳон стандартлари иборасини кўп қўллаймиз. Хўш, жаҳон стандарти ўзи нима? Ўзбекининг ўз стандарти йўқми? Тўғри, хориж тажрибасини ўрганиш ҳам керак, лекин сажда қилиш даражасида эмас.

Устоз-шогирдлик аъёнасига келсак, уни ривожлантириш, янги усулларда олиб бориш лозим. Чунки устоз йиллар давомида эгаллаган билимларини китоблар, илмий ишларида баён қилса, ўзaro сўхбатларда ундан-да кўп нарсани шогирдига ўргатади. Бир неча йилдан сўнг бу шогирдининг ўзи устоз даражасига кўтарилади. Шахши намуна кучи эса ҳамма нарсадан устун туради. Шогирдлар ҳам унга ихлос қилади.

Мактабда ўқиб юрган давримда бобом менга “яхши ўқисанг, Иброҳим Мўминовдек бўласан”, дерди. У пайтда Иброҳим Мўминов ким, нима иш қилади, нега бобом унга ўхшашини хоҳлаётганини тушунам эдим. Кейинчалик билсам, Иброҳим Мўминов мен туғилиб, вояга етган тумандан чиққан катта олим экан. Орадан вақт ўтиб, бобомнинг тилига ижобат бўлди. 1961 йилда Фанлар академиясига келиб, у киши билан кўришиш шарафига муяссар бўлдим. Мана шундай ўзи яхши одамларга, катта олимлар, шоирларга тақлид қилиш, улардан ўрнак олишнинг аҳамияти катта эканини англаб турибди.

— Фольклоршунослик соҳаси билан шуғулланиш, унда тадқиқотлар олиб бориш ҳар кимнинг ҳам ўй-ҳаёлига келмайди. Сиз бу соҳани қандай талдандингиз?

— Ҳар бир олимнинг у ёки бу фан соҳасига қилишининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Мен ёшлигимда кўп эртак, дostonлар ўқиганман. Олий ўқув юртида таҳсил олаётганимизда фольклор бугунги даражада ўқитилмаган. Ўқишни битириб иш фаолиятимни Сурхондарёда бошладим. У ерда ўзим қизиққанни учун қўллаб бахшилардан термалар ёзиб олганман. Лекин Тошкентга келишимда фольклоршунос эмас, тил ва адабиёт мутахассиси бўлишни ўйлаганман. Шунинг учун ҳам уч дафтар қилиб исмлар ҳақида маълумот тўплаган эдим. Негаки, Сурхондарёда бошқа, Бухорода бошқа, Тошкентда бошқа исмларни эшитардим. У пайтда исмлар нега бундай қўйилиши менга қизиқ эди. Кейинчалик билсам, бу ҳам халқнинг урф-одати, аъёнаси, маросимлари билан боғлиқ экан.

Институтда ўша вақтда Суйима Фаниева илмий котиб эди. “Тил ва адабиётни қўйинг, исмлар ҳақида маълумот тўпласиз, шунинг ўзи — фольклор. Халқ оғзаки ижоди йўналишига ҳужжат топи-

ринг”, деб қолди у киши. Шу билан уч ой давомида фольклоршунослик йўналишига кириш учун тайёргарлик кўрдим. Суйима Фаниеванинг ўша гапи ва ундан кейин Ҳоди Зарифдек инсон билан учрашганимдан сўнг фольклоршуноста айландим. Шунинг учун кишининг у ёки бу соҳани танлашига ҳаётининг маълум дақиқаларида рўй берган кичик воқеа ҳам сабаб бўлишига ишонаман.

— Бизда халқ оғзаки ижоди гўё яратиб бўлинган, энди биз ўша асарларни ўрганишимиз керак, холос, деган қараш мавжуд. Ҳолбуки, аслида фольклор бугун ҳам яратилмоқда. Токи халқ, миллат бор экан, унинг оғзаки ижоди тўхтамайди. Шундай бўлгач, бугун яратилаётган қайси қўшиқ ёки эртақларни фольклор, халқ оғзаки ижоди мероси сифатида келтира оламиз. Уларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказишда нималарга эътибор бериш лозим?

— Ҳар бир даврнинг ўз фольклори бор. Масалан, қўшиқлар, мақоллар, латифалар каби бир қатор жанрларда халқ оғзаки ижоди намуналари бугун ҳам яратилмоқда, уларни халқ куйлаб келмоқда. Чунки халқ донишмандлиги ўлмайди. Бу жараёнда фольклоршунослар олдда янги даврда яратилаётган фольклор намуналарини ёзиб олиш вазифаси турибди.

Бугунги кунда дoston ижрочилиги асосан Сурхондарёда сақланиб қолган. Бу аъёна кейинги асрларга ҳам етиб боришига шубҳа йўқ. Чунки Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан дostonчилик мактаблари ташкил этилди. Уларда ёш авлод бахшичилик сир-асрорларини ўрганади, халқ дostonларини ёд олади. Лекин халқ оғзаки ижоди намуналарини яратиш бугунги кунда бироз сусайган ёки бошқача шаклда намоён бўлмоқда. Бу — табиий, албатта. Негаки, биргина мақол ёки тўртлик яратилиши учун ҳам узоқ йиллар керак бўлади. Шунингдек, мавжуд тўртликларнинг шакли сақланган ҳолда мазмунига ўзгартириш киритилиши ҳам мумкин. Буни бирор олим ёки қўшиқчи эмас, халқнинг ўзи амалга оширади. Шунинг учун ҳам фольклор — халқ донишмандлиги, дейилади. Фикримни бир тўртликнинг йиллар давомида ўзгариб бorganи мисолида исботламоқчиман. Аслида тўртлик қуйидагича бўлган:

**Сув оқару, сув оқар,
Сув тағида кум оқар.
Сўйганим ташлаб кетса,
Менга кулиб, ким боқар?**

Биринчи жаҳон уруши даврида заминимиздан одамлар уруш ортида меҳнат қилиш учун мардикорликка олиб кетилган. Бундан қаттиқ азият чеккан халқ ўз дардини қуйидагича ифодалаган:

**Сув оқару, сув оқар,
Сув тағида кум оқар.
Урушга кетганларнинг
Боласини ким боқар?**

Ундан кейин замон ўзгарди, яхши ишлаганлар рағбатлантирилди ва ҳоказо... Шунда бу қўшиқ қуйидагича ўзгарган экан:

**Сув оқару, сув оқар,
Сув тағида кум оқар.
Яхши меҳнат қилганлар
Кўксига олтин тақар.**

Келинлар, сизларга энг янги халқ оғзаки ижоди намунасида айтий. Кўчада юрганингизда машиналарга, автобус бекатларига “Йўл қондаси — умр фойдаси”, деб ёзилганга гувоҳ бўлгансиз. Бу ибора XIX асрда юзга келиши мумкин эмасди. У бугун халқ тилига кириб кетди ва мақолга айланди. Ҳозир бир эмас, юзлаб, минглаб одамлар шу иборани “эҳтиёт бўл” маъносига бир-бирига айтади. Бу — бир мисол, холос. Лекин ҳар кунги халқимиз нимадир тўқийди, ижод қилади.

Халқ оғзаки ижодини ёшларга ўқитиш масаласига келсак, мактаб ўқувчилари учун дарсликларда фольклор намуналари тўғри ва тизимли танланган, деб айта оламиз. Бошланғич синфларда мақол, топишмоқ, масал ва эртақлар. Катта синфларга ўтилганида “Алпомиш”, “Кунтуғиш”, “Равшан” дostonлари ўргатилади. Олий ўқув юртида эса фольклорни ўқитиш тизими турлича шаклда олиб борилмоқда. Уларни бир тизимга солиш, талабалар учун янги дарсликлар нашр қилиш лозим. Албатта, дарслик тайёрлаш мушкул вазифа. Лекин айна пайтда, айниқса, филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар илмий асосланган маълумотларга эга дарсликларни эмас, ўша университет илмий кенгаши тасдиқлаган ўқув қўлланмаларидан фойдаланмоқда. Афсуски, бу қўлланмаларнинг савияси юқори эмас, устига устак нотўғри маълумотлар ҳам берилган. Шунинг учун янги маълумотлар, асосли фактлар жамланган дарсликлар яратиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ахир ёшлар — келажакимиз. Халқ оғзаки ижоди эса ёшларимизнинг ўз халқи ва миллати меросига, ота-боболардан қолган урф-одат ва аъёналарга бўлган ҳурматини шакллантиради. Бундан ташқари, бугунги глобаллашув шароитида халқ оғзаки ижоди ёш авлодни миллий менталитетимизга хос тарзда тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

**“Milliy tiklanish” мухбири
Мухторбек АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди**

Бизнинг шарҳ

ОКЕАННИНГ "ЧИҚИНДИ ОРОЛЛАРИ"

ҲАЙВОНОТ ВА НАБОТОТ ДУНЁСИ ҲАМДА САЙЁРАМИЗ ЭКОЛОГИК БАҲАРАРЛИГИГА ХАВФ СОЛМОҚДА

Яқинда Таиланднинг соҳил бўйларида ўлик ҳолда топилган қора дельфиннинг ҳалокати унинг ошқозонига 80 елим халта тиқилиб қолгани сабаб бўлгани аниқланди. Биолог-океанограф Тон Тамронгнавасаватнинг айтишича, Таиландда пластик чиқиндилар сабабли ҳар йили дельфин, тошбақа ва кит сингари юзлаб денгиз экзоноти нобуд бўлаётгани кенг жамоатчиликни ҳушёр торттириши зарур. Негаки, Хитой, Индонезия, Филиппин, Вьетнам ва Таиланд атроф-муҳитни ифлослантирувчи энг йирик давлатлар ҳисобланиб, уларнинг ҳисобига барча пластик чиқиндиларнинг ярмидан кўпи тўғри келади.



Океанларни рамзий маънода сайёраимиз юраги, дейиш мумкин. Боиси, у сайёраимиз иқлимини мувозанатда сақлайди, одамларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди, кислород ишлаб чиқаради, дори-дармон манбаи сифатида хизмат қилади. Қолаверса, ер юзининг 70 фоиз ҳудудини ўраб олган денгиз ва океанлар кўплаб жонивор ва ўсимликлар яшайдиган табиий макон ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар йили океан ва денгизларга пластик ва бошқа турдаги чиқиндиларнинг ташлалиши оқибатида дунё иқтисодиёти 8 миллиард зарар кўрмоқда. Қизғин шундаки, бундан 60 йил аввал инсоният томонидан 1,5 миллион тонна пластик чиқиндилар чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 200 бараварга ошди — 300 миллион тонна ташкил қилмоқда. Бироқ бу кўрсаткич яна ошиши, 2050 йилга бориб, 33 миллиард тонна ташкил қилиши башорат қилинмоқда.

Жаҳон ёввойи табиат жамғармаси (WWF) дунё океанлари ресурслари заҳирасини 24,2 триллион долларга баҳоламоқда. Ҳар йили инсоният унинг 2,5 триллион заҳирасини ўз эҳтиёжлари йўлида сарфламоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига кўра, балиқчилик хўжалиги Ер юзидаги 10-12 фоиз аҳолининг асосий тирикчилик манбаи бўлиб қолаётди. Бироқ бугун денгиз ва океан ресурсларидан кўр-кўрона фойдаланиши, нефть ҳалокати ҳамда иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ ноҳус ҳолатлар сайёраимиз экологик баҳрадорлигига таҳдид солмоқда.

қалқиб қолмоқда. Денгизга ташланган елим идиш 100 йилдан 300 йилга қадар йўқ бўлиб кетмаслиги ҳисобга олинса, унинг атроф-муҳитга қанча хавф солишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Маълумки, дунё бўйича ош тузининг муайян қисми денгизда қазиб олинади. Нью-Йорк университети профессори Шерри Мейсоннинг айтишича, пластик чиқиндилар ҳатто биз истеъмол қилаётган туз таркибида ҳам бор: "Пластик маҳсулотлар қолдиқлари бугун ҳаво, сув, денгиз маҳсулотлари, ҳатто, истеъмол қилинадиган пиво ҳамда тузда ҳам мавжуд".

Олим ўз тадқиқотида турли мамлакатлардаги озик-овқат дўконларида сотилаётган 12 хил туз таркибини ўрганганида, уларда пластик чиқинди қолдиқлари борлигини аниқлади. Бу одамлар туз билан қўшиб пластик қолдиқларини ҳам истеъмол қилаётганидан далolat бермоқда. Бундай чиқинди истеъмоли инсон саломатлигига жиддий хавф солиши мумкин.

Испаниялик олимлар ҳам ош тузи таркибида елим идишлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган полиэтиленрефталатни аниқлашга муваффақ бўлишди. Бошқа халқаро олимлар жамоаси эса туз таркибидан полиэтилен ва полипропиленни аниқлади.

Яқинда Бойан Слат бошчилигида нидерландиялик муҳандислар денгиз ва океанлардаги чиқиндиларни бир жойга тўплайдиган шиширилган ёстиқчаларни таъмир қилди. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, денгиз ва океанларда узунасига бир неча километр масофага тўшаладиган бундай тўсиқлар чиқиндилар тарқалиб кетишининг олдини олиб, уларни бир жойда тўплашга ёрдам беради. Тўсиқларни сув тўқиллари ювиб туради. Шунинг ҳисобига балиқлар ушбу тўсиқда тиқилиб қолмай, ундан осонликча сузиб ўта олади. Лойиҳа атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказмайди. Мазкур лойиҳа илк бор Нидерландия соҳилларидан 23 километр узоқликда — Шимолий денгизда синовдан ўтказилиб,


кеттиш хавфи юзага келаётгани эмас, балки одамларнинг бу масалага нисбатан ёндашуви ўзгармаётгани мени кўпроқ ташвишга соляпти, — дейди Боян Слат. — Мазкур масалада иш олиб бораётган экспертларнинг аксарияти океанларни тозалашнинг имкони йўқ дейишмоқда. Ҳеч ким бу йўналишда тайинли тадқиқот олиб бормагани эса таассуфлидир".

Слатнинг айтишича, бугун океанлардаги чиқиндилар кемалардан туриб тўр ташлаш воситасида териб олиниши мумкин. Бироқ бу кўп харажат ва вақт талаб қиладиган юмуш. Ушбу мақсадлар учун кемалардан кўп фойдаланиш аксинча денгиз ва океанларнинг ифлосланишини янада кучайтиради. Устига-устига турга нафақат чиқиндилар, балки балиқ ва бошқа денгиз жониворлари ҳам илашиб қолмоқда.

Океанда чиқинди ортидан қувгандан кўра, унинг ўзи қалқиб олиниши кутиш афзал. Бу ортиқча энергия сарфини талаб қилмайди. Сузувчи тўсиқлар уларни бир жойда йиғиш ҳамда уларни осон ажратиш олиш имкони беради.

Ўтган йилнинг 5 июнида Нью-Йорк шаҳрида океан муаммоларига бағишлаб ўтказилган конференциянинг очилиш маросимида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антонио Гутерриш ифлосланиш, биоресурсларнинг камайиши, глобал иқлим ўзгаришлари каби омиллар денгиз ва океанлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Тадқиқотлар шунга кўрсатаяптики, 2050 йилга бориб пластик чиқиндилар микдори балиқ ресурслари билан тенглашади, дунё океанлари сатҳининг ошиши айрим мамлакатлар соҳил бўйи худудларининг сув остида қолишига сабаб бўлиши мумкин. Океан суви илиқлашади, кислоталик даражаси эса ошади. Бу эса маржонқояларнинг дарз кетишига, биохилмахиликнинг бузилишига сабаб бўлади.

БМТ Бош қотиби мазкур муаммоларни инсониятнинг ўзи юзага келтиргани, уни ҳал қилиш учун эса дунё жамоатчилиги дадил қарорлар қабул қилиши мақсадга мувофиқлигини қайд этди. Океанларда биохилмахиликни таъминлашда ҳамкорликда иш олиб бориш,



сув устига 100 метрлик тўсиқ қўйиб чиқилди. Мутахассис ва экспертлар бу кашфиётга юқори баҳо бермоқда. Тўрт йилдан сўнг ундан тўлиқ фойдаланишга ўтиш мўлжалланаяпти.


"Дунё океанларининг ифлосланиши оқибатида кўплаб денгиз жониворларининг йўқолиб

Сабаби, океан ва денгизлар ер юзида иқлим ва об-ҳаво мувозанатини сақлайди. Демакки, инсониятнинг кейинги тақдири ҳам ана шу омиллар билан чамбарчас боғлиқ.

Шаҳзода ҒАФФОРОВ, халқаро шарҳловчи

Рангин дунё

ТАНГА ШАКЛИДА ҚУРИЛГАН ИНШООТ



Инсоният XIX асрдан кўп қаватли бинолар қуришни бошлаган бўлса, XX асрдан АКШ, Европа давлатларида осмонўпар бинолар, тенги йўқ савдо-қўнғилочар ҳамда бизнес марказларини қуриш шиддатли тус олди. XXI асрга келиб бу борада Осиё давлатлари ҳам анча илдамлаб кетди. Хусусан, Хитой ўзининг баланд миноралари, улкан иншоотлари билан дунё аҳлини ром этмоқда.

Сўнгги йилларда Хитойда қад ростлаётган осмонўпар иншоотлар нафақат баландлиги, балки ноодатий меъморий ечими билан ҳам кўпчиликини хайратга солмоқда. Гуанчжоу-Юанни ана шундай иншоотлар сирасига киритиш мумкин. Гуанчжоу-Юань Хитойнинг Гуандун провинциясидаги Гуанчжоу шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида, Чжунцзян дарёси бўйида жойлашган бўлиб, ноёб меъморий ечимга эга дунёдаги ғаройиб иншоотлардан саналади. "Гуанчжоу-Юань" хитой тилида "Гуанчжоу айланаси" деган маънони англатади. Унда "Guangdong Plastic Exchange" компанияси фаолият кўрсатади. Иншоот 2013 йилда италян меъморини Жузеппе ди Паскуали лойиҳаси асосида бунёд этилган. Бинонинг баландлиги 138 метр бўлиб, 33 қаватдан иборат. Умумий майдони эса 8,5 минг метр квадрат. Уни бунёд этиш учун 1 миллиард юан сарфланган. Иншоот танга шаклида қурилган бўлиб, унинг



марказида диаметри 50 метрлик ўйиқ ҳосил қилинган. Бино айлана шаклида қурилган дунёдаги энг баланд иншоотдир. Лойиҳа муаллифининг айтишича, бино учун бундай шакл танлангани бежиз эмас. Бунда аввало, Осиё, хусусан, Хитой менталитети ҳисобга олинган. Мисол учун, иншоот дарё ёқасида жойлашгани боис унинг акси сувга тушиб туради. Натижада саккиз рақами ҳосил бўлади. Хитойликлар учун эса саккиз омдлик рақам ҳисобланади. Қолаверса, у фаровонлик ва моддий бойликка интилиш рамзи ҳам ҳисобланади. Гуанчжоу-Юань иншооти ташқи томондан ойна ҳамда мис қопламалар билан безатилган. Осмонўпар иншоотнинг ичида офислар, супермаркет ҳамда меҳмонхоналар фаолият кўрсатади. Иншоот қурилгандан сўнг дастлаб кўпчилик томонидан илиқ кутиб олинмади. Париждаги машҳур Эйфель минораси ҳамда Сан-Францискодаги Трансамерика осмонўпар иншооти билан ҳам шундай ҳолат юз берган эди. Бироқ вақт ўтиши билан мазкур иншоотлар шаҳар рамзига айланди. Бугун нафақат маҳаллий аҳоли, балки дунё жамоатчилиги ҳам ҳар иккала шаҳарни мазкур иншоотларсиз тасаввур қила олмайди. Эндиликда Гуанчжоу-Юань ҳам худди Эйфель минораси ҳамда Трансамерика каби шаҳарнинг ташриф қозонига айланди.



Лойиҳа бош муҳандиси Ван Жаншан шундай дейди: "Бу Ғарб билан Шарқ меъморчилиги аънаналарининг уйғунлашувидир. Иншоотнинг ўзига хос жиҳати — унинг меъморий ечими. У Хитой нефрити, тилла танга ҳамда сув филдирагига ўхшаб кетади. Бу иншоот омад рамзи, унинг ёнидаги сув эса бойлик олиб келишига ишорадир".

Айримлар Гуанчжоу-Юанни Хитойнинг Шэньян шаҳридаги Fang Yuan биноси билан қиёслаб, уни шу иншоотдан андоза олиб қурилганини танқид қила бошлаганди. "Fang Yuan" хитой тилида "квадратли айлана" деган маънони англатади. Бу бежиз эмас. Сабаби иншоот квадрат устида ўрнатилган айланага ўхшаб кетади. Бироқ лойиҳа раҳбари бу фикрларни рад этиб, шундай дейди: "Fang Yuan" иншоотининг ўртасида тирқиш йўқ. У тўртбурчак шаклидаги "дарча" билан ёпилган. Ундан фарқли равишда биз қурган бинонинг ўртасидаги тирқиш айлана шаклида ва у очик ҳолатда".

Гуанчжоу-Юань иншоотини тунда томоша қилиш кишига ўзгача завқ-тавақ улашади. Сабаби қош қорайганида унга ўрнатилган турли рангдаги чироқлар ёниб, бинога ўзгача улғуворлик ва салобат бағишлайди.

Фотима СУЛТОНМУРОВА, ЎзДЖТУ талабаси



ЮРАК ТЎҚИМАЛАРИНИ 3D ПРИНТЕРДА БОСИБ ЧИҚАРИШ МУМКИН



BIOLIFE4D стартапи жамоаси юрак мушакларини яратиш учун зарур бўладиган материални 3D принтерда чоп этишга муваффақ бўлди.

Бу ҳақида "hi-news.ru" сайти хабар тарқатди.

Органик 3D принтер яшаши мумкин бўлган тирик органларни босмадан чиқарувчи технологияни яратиш имконини берди. BIOLIFE4D мутахассислари миокард ҳужайралардан ўзига хос пластирни босиб чиқарди. Албатта, бу юракни бутунлай алмаштириш имконини бермайди, бироқ унинг миокард инфаркти ёки бошқа жиддий касалликдан сўнг зарар кўрган қисмини тиклашга кўмаклашади. Пластирлар биологик жиҳатдан юрак ҳужайралари билан мос келади.

BIOLIFE4D корпорацияси юрак учун пластирларни кенг миқёсда тиббий амалиётга киритишни режалаштирмоқда. Шунингдек, тадқиқотчилар тўлиқ ишловчи инсон юрагини 3D принтер ёрдамида босиб чиқаришни мақсад қилган. Айна вақтда органларнинг анатомик структурасини 3D принтерда яратиш асосий муаммо бўлиб турибди. Бироқ экспертлар ижобий натижага умид қилишган ва бу муаммони ҳал қилиш тиббиёт ва трансплантология соҳасида кашфиёт бўлишига ишонмоқда. Агар бу амалга охша, назарий жиҳатдан қолган барча инсон органларини ҳам босмадан чиқариш имкони туғилади. Чунки кўчириб ўтказилган органлар ишламай қолиши, керакли вақтда донор органлар топилмаслиги каби муаммолар бугун мазкур соҳа ривожига жиддий тўсиқ бўлиб турибди.

ДАСТЛАБКИ ЭГИЛУВЧАН СМАРТФОН



"Samsung" корпорацияси 2019 йил 8-11 январь кунлари бўлиб ўтадиган "Consumer Electronics Show" кўргазмасида эгилувчан смартфонни намойиш қилади. Бу ҳақида электроника янгиликларини ёритувчи "GizmoChina" сайтида хабар берилди.

Ушбу смартфон чегараланган микдорда — 300-500 донга ишлаб чиқарилиб, 2019 йилда сотувга қўйилиши мумкин. У тахминан 1 минг 800 АҚШ долларга баҳоланмоқда. Шунингдек, Samsung Galaxy S10 смартфонини келгуси йилнинг февраль ойи охирида "Mobile World Congress-2019" кўргазмасида намойиш қилиши айтилмоқда.

"Samsung Galaxy X" эгилувчан экранли дастлабки смартфон бўлади. Бу смартфон устида 2011 йилдан бошлаб иш олиб борилмоқда ва 2016 йилда муомалага киритиш режалаштирилган эди. Бироқ компаниянинг бошқа бир қурилмаси — "Note 7" билан боғлиқ муаммолар туфайли Galaxy X смартфонининг намойиши бир неча бор кечиктирилган.

ОҒРИҚСИЗ УКОЛ ҚИЛИШ МУМКИН



"Aedes vexans" чивинларининг "хартум" ини ўрганган Озайо университети мутахассислари санчиладиган шприц игналарини яратиш усулини ўйлаб топдишди. Бунда игнани инсон териси остига киритишда оғриқсизлантирувчи модда ишга тушади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ўзига хос "оғриқ қолдирувчи"дан кўпроқ ургочи чивинлар фойдаланилади. Ҳашаротнинг "хартум" ини инсон терисига киритаётганда алоҳида модда ишлаб чиқаради. Бу оғриқни ҳис қилишни таъминловчи брадикинин пептиди йўлини тўсиб қўяди ва ҳашарот қақшии деярли сезилмайди.

Мутахассислар фикрича, чивиннинг "хартум" и каби самара бериши учун шприц игналари икки қисмдан иборат бўлиши лозим: биринчисидан оғриқсизлантирувчи модда пуркалади, наригиси дорини юборади. Айтилишича, бугунги замонавий технологиялар ва ҳомашёлардан фойдаланиб, юқоридаги тамойил асосида ишлатиладиган шприцларни ишлаб чиқариш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ёзги таътил кунларида

КУНДУЗГИ ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАР ХИЗМАТИДА

Жиззах вилоятида жорий йил ёз мавсумида шаҳар таъқарисидидаги 12 ва мактаблар қошидаги 58 оромгоҳда 13 минг 525 болани дам олдириб режаси ташкирланган.

...Фаллаорол тумани марказидаги 44-умумтаълим мактаби қошида ташкир этилган "Тонг шуъласи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Ушбу дам олиш масканида айни пайтда 90 бола мароқли ҳордиқ чиқарёттир.

Оромгоҳдаги сўлим манзара, анвойи гуллар, анҳордан оқаетган зилол сув барчанинг дилига ором ва ҳаловат бағишлайди. Ям-яшил майсазори гулзорлар бир-бирига уйғун. Болажонлар бўш вақтини шундай сўлим жойларда ўтказаетганидан беҳад мамнун.

— Оромгоҳдаги шароит жуда зўр, — дейди фаллаороллик ўқувчи Алишер Шукуров. — Тоғ кўйнидаги хушманзара масканида мазмунли дам олиб, янги дўстлар орттираяпмиз. Турли спорт ўйинларида иштирок этиб, маза қилиб чўмилаяпмиз. Қизиқарли китоблар ўқиб, билимимизни янада ошираяпмиз.

Болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун оромгоҳда турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. "Оромгоҳ ҳаёти ва кутубхонаси билан танишув", "Ўзинг ҳақингда гапириб бер" каби тадбирлар билан бошланган дам олиш мавсуми "Сен Ўзбекистонимиз ҳақда нималар биласан?" мавзусидаги билимлар синови, "Бирдан мингга ясаймиз", "Кун ва тун", "Кўнчалар ови", "Кўвноқ стартлар", шахмат-шашка, теннис мусобақалари билан сермазмун ўтаёттир. Мураббий Мафтуна Усмонова ташкирлаштирган турли тадбирлар, саҳна кўринишлари ва турли танловлар кўпчилиқка манзур бўлаёттир.

— Кундузги болалар оромгоҳлари ёш авлодни соғломлаштириш, баркамол этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутди,



— дейди оромгоҳ тарбиячиси Адиба Жўрабоева. — Муассасамизда ташкир этилган кундузги оромгоҳда болаларнинг таътилини мазмунли ўтказиши учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Оромгоҳнинг "Булбулча" ва "Бойчечак" гуруҳларида тўқиш, либослар дизайни машғулоти, айниқса, қиз болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда. Рақс, актёрлик маҳорати тўғараклари, турли фанларга, хусусан, чет тилларга оид машғулотлар ўқувчиларнинг билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фаллаорол туманидаги 23-умумтаълим мактаби қошида жойлашган "Қалдирғоч" оромгоҳида дам олувчилар қалбида ҳам ҳар бир ўтаётган кун эсда қолали хотираларга бой бўлмоқда.

— Болаларнинг вақти мазмунли ва мароқли ўтиши учун барча қулайлик яратилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Хус-

нидин Тошмуродов. — Мавсум арафасида оромгоҳдаги бассейн реконструкция қилинган болаларга катта совға бўлди. Айни пайтда оромгоҳимизда 70 дан зиёд бола таътилни кўнгилли ўтказаеттир.

Одатдаги эрталабки машқлардан сўнг болажонларни мазали нонушта, "Ўрдак-ғоз", "Овозидан таниб ол", "Бекинмачоқ" каби ўйинлар, ундан кейин эса "Чақонлар ва зуколар" спорт мусобақалари, "Менинг ўлкам", "Баланд қоя ва тоғлар" каби кўрик-танловлар кутди. Оромгоҳда ўқувчилар мактабда олган билимини янада мустаҳкамлаши учун спорт, санъат ва бошқа йўналишдаги тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Спорт майдони, тўғараклар маркази, кутубхона, маданий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган ёзги саҳна,

болалар майдончасидаги турли-туман арғимчоқлар, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига кўмаклашувчи замонавий ўйин воситалари дам олувчилар ихтиёрида.

Тумандаги 2-умумтаълим мактаби қошида ташкир этилган "Лочин" оромгоҳида "Инглиз тили", "Ёш расомлар", "Рақс", "Саломатлик ва экология" ва бошқа турли спорт тўғаракларида малакали ўқитувчи ва мураббийлар Сожида Ҳабибуллаева, Бувойша Алиқуллова ва Садриддин Абдурашулов машғулот ўтказмоқда. Оромгоҳдаги китобхонлик машғулоти, "Спорт — менинг ҳаётим", "Саломатлик — туман бойлик", "Биз бахтиёр авлодимиз" тадбирлари, қатор ижтимоий лойиҳалар болажонларда қизиқлиқ уйғотмоқда. Бу ердаги тиббиёт хонаси биринчи ёрдам кўрсатиш, зарурат туғилганда, стационар даволаш учун лозим бўлган барча дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан таъминланган. Кўчма кутубхона болаларнинг ёши ва дунёқарашига мос

тарзда бадиий асар ва услубий қўлланмаларни беминнат етказиб турибди.

Вилоятда ўқувчиларнинг ёзги дам олишларини ташкир этиш жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда оромгоҳларнинг биринчи босқичида "Маҳалла" жамоат фонди малағлари ҳисобидан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 75 фарзанди соғломлаштирилаётган бўлса, "Жиззах аккумулятор заводи" акциядорлик жамияти ҳомийлигида "Energy" оромгоҳида 100 оила фарзанди бепул дам олдиралаёттир.

— Ўқувчиларнинг ёзги дам олишини мувофиқлаштирувчи гуруҳ, худудларда ишчи гуруҳлар доимий фаолият олиб бораёттир, — дейди вилоят касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси Тўлабой Тўйчиев. — Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, болаларни дам олдириб ва соғломлаштириш жараёнида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилиши мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Оромгоҳларнинг худудий жойлашуви инobatга олиниб, тез тиббий ёрдам машиналари навбатчилиги ташкир этилган.

Бир сўз билан айтганда, бу йил вилоятдаги ёзги оромгоҳларнинг барчаси мавсумни пухта ҳозирлик билан бошлади. Манзилли дастур асосида болалар маънавиятини юксалтиришга йўналтирилган тадбирлар, спорт мусобақалари ва турнирлар ўтказилиши, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар уюштирилиши болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумининг юксак савияда ўтишини таъминлаш борасида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

Абдулла САИДОВ,
журналист

Реклама

QQB QISHLOQQURILISHBANK



- Замонавий**
- Қулай**
- Тезкор**

"Қишлоққурилишбанк"
"ONLINE КОНВЕРСИЯ"
хизматини таклиф этади

• Банкимизнинг сўм пластик карточкаларига эга мижозлар ўзларининг VISA халқаро тўлов карточкаларига чет эл валютасини онлайн режимида конверсия қилиш имкониятига эга.

• Мазкур амалиёт "QQB-mobile" мобил иловасини интернет тармоғидан юклаб олган ҳолда, пластик карточкани рўйхатдан ўтказиш орқали бажарилади.

"Қишлоққурилишбанк" – фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-93-39, 150-76-47

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ТАРВУЗ БУЙРАК ВА ЖИГАРНИ ТОЗАЛАЙДИ

Ёзнинг иссиқ кунларида инсон организмнинг суоқлиққа, айниқса, таркибида сув миқдори кўп мева, сабзавот ва полиз экинлари истеъмолга эҳтиёжи ортади. Улар орасида тарвуз энг серсув полиз маҳсулоти саналади, чанқоқ босувчи хусусиятга эга.



Дунёнинг 96 давлатида тарвузнинг 1 минг 200 дан ортиқ тури етиштирилади. Хитой, Ўзбекистон, Америка, Венгрия, Болгария, Греция, Украина ва Россияда кўп миқдорда экилса-да, лекин унинг асл ватани Жанубий Африка саналади. У ерда тарвузни ҳатто ёввойи кўришида ҳам учратиш мумкин.

Яхши етилган тарвузнинг 100 граммда 25 ккал, 100 грамм шарбатида 38 ккал калория мавжуд.

Тарвуз буйрак ва жигарни тозалаш хусусиятига эга. Уни истеъмол қилиш қондаги холестерин миқдорини пасайтиради, танани соғломлаштиради. Шундай бўлса-да, тарвуз нитратлари ўзига шимиб олиши сабаб нафақат аллергия реакцияларни, балки соғлиққа ҳам зарар келтиришини ёдда тутиш лозим. Диабет ва буйрак етишмовчилиги билан оғирган беморларга тарвузни ортиқча ейиш тавсия қилинмайди. Чунки унинг таркибида шакар миқдори кўп.

Одатда, тарвуз янги ҳолда ва овқатлангандан

бир-икки соат ўтиб истеъмол қилинади. Ташналикни қондириш, очликнинг олдини олиш хусусиятга эга. Лекин у очлик ҳиссини маълум вақт йўқотади, холос. Бу вақтда организм ўзи учун зарур калорияни йиғиб ололмади. Шунинг учун ҳам тарвуз истеъмол қилиб озишни истаганлар бу ишга ақл билан ёндашишлари талаб этилади.

Тарвуз билан ҳам диета сақлаш мумкин. Бунинг учун 3 кун мобайнида фақат тарвуз истеъмол қилиш билан кифояланади. Ейилмаган тарвуз миқдори тана вазнига қараб белгиланади: ҳар 10 килограмм тана оғирлиги учун 1 килограмм тарвуз истеъмол қилиш зарур. Яъни агар 60 килограмм тош боссангиз, унда сиз 10-11 килограмм чиқадиган тарвуз сотиб олишингиз керак. Тарвузли диета вақтида қорнингиз ўта очқаб кетса иккинчи ва учинчи кун бир бўлак қора нон ейишга руҳсат берилади. Шу усул билан 3 килограмм вазн ташланади. Бундай диета бир ойда бир марта тавсия қилинади.

Тарвуз таркибидаги барча модда организмга тушиб, аъзолар ва тизимларга ижобий таъсир ўтказди, ўзининг яхши ҳис қила бошлайсиз. Кўпга касалликнинг ўтиш даври енгиллашади. Бир стакан тарвуз шарбати организмнинг магнийга бўлган бир кунлик талабини қондиради. Шу сабабли артериал гипертониядан азият чекаётган одамлар бундай шарбатни ичиб туриши фойдадан холи бўлмайди. Тарвуз шарбати овқат ҳазм қилиш тизимини меърида ишлашини таъминлайди, моддалар алмашинувини яхшилаб, иммунитетни оширади.

ТУРФА ОЛАМ

ДИНОЗАВРЛАР ҲАЛОКАТИ — ҚУРБАҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Қурбақаларнинг 88 фойз тури Ерда сайёрадаги ҳаётнинг туғилишига олиб келган астероидлар қулашидан сўнг пайдо бўлган. Буни ўрганган олимлар натижаларини "Proceedings of the National Academy of Sciences" журналинда чоп этишди.

Бугун 6 минг 700 га яқин турдаги қурбақалар аниқланган, лекин уларнинг генетикаси бўйича маълумотлар йўқлиги бу жониворларнинг ривожланиш тарихини ўрганишга тўсқинлик қилган. Қурбақаларнинг асосий 145 турининг 95 ген тўпламини ўрганган тадқиқотчилар уларнинг генетик турлари Ердаги ҳаётнинг тўртдан уч қисмини йўқ қилган астероид қулагандан сўнг — 66 миллион йил аввал тезкор суратда ошганини аниқлади. Уларнинг барчаси йирик ҳалокатдан омон қолган Nyctoleia, Microhylidae ва Natatanura турларининг давомчиси экани маълум бўлди.



Янги турларнинг тез пайдо бўлишига қараганда улар ҳалокатдан сўнг Ер сайёрасида бўшган майдонлар, масалан, ўрмонларни жадаллик билан эгаллаган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, астероид қулагунга қадар қурбақаларнинг дарахтда ўрмаловчи бирорта ҳам тури бўлмаган.

Дилдора САЛИМОВА тайёрлади

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши партия вилоят кенгаши раиси вазиасини бажарувчи Баҳодир Шарафовага онаси

Ҳадича аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Валижон НАБИЕВнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUG'USI HAR NARSADAN USTUR

MILLIY TIKLANISH

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Аҳмад САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортықали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмаи ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанин чоршанба кўни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 716, Адади — 4273. Газетанин баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИМОВ

Навбатчи: Дилфуза МАҲКАМОВА

Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 23.20.

ISSN 2010-7714

9 772010 771003